



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 17 апрель • сешанба • № 45 (4018)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини ўтказиш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бутун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонлиниш муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорда бирйўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳафсизлиқ хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавий ва маърифат маркази, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказилсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрельЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадр-қиммати, ор-носиви, миллий аълоларимиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда бўлишга ирода ва жасорат намунасини амалда намойиш этиб, бутунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзу ишларини давом эттириш — бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу бе-шафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга қўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган, «Сен етим эмассан» деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-муруватини, юксак маънавиятини яққол намойиш этди.

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини ба-

жариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Хотира ва Қадрлаш кунининг кенг нишонлинишини таъминлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг виждоний иши ва аънавий бурчи деб белгилансин.

2. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов): Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг «Инсон қалри улуг, хотира муқаддас», «Мардлик, бурч ва садоқат» шиорлари остида юқори савияда ўтказилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминласин ва жойларга бориб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтқа-

зишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилсин ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш ва ҳушнуд этиш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

Ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй ҳўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли тоифалари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

2

КУН НАФАСИ

«Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Унда диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган «жаҳолатга қарши маърифат» улугвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш каби қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Фармонга асосан Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилмасида Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази, Ўзбекистон ислом академияси ва Тошкент ислом университети негизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарканд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ҳамда олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактаби ташкил этилади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамоат фонди тўғатилиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида «Вақф» хайрия жамоат фонди тузилди.

Шунингдек, Ислам илм-фани ва маданиятига бекиб ҳисса қўшган буюқ аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз довуғини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида «Имом Бухорий» давлат мукофоти таъсис этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 апрель кунини Дания Қироличаси Маргрете II ни Дания миллий байрами — Қиролича таваллуд кунини билан муносабат қилиб қутлади.

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бир қатор коллежлар юридик коллежларга айлантирилди. Бу ҳақда «Хуқуқий ахборот» канали хабар берди.

Қонунчилик палатаси Ахборот хизматининг маълум қилишича, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси эндиликда Инновацион

ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, деб ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлик-сиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Самарканд вилояти ҳокимлигининг 16 апрель кунини ўтказилган йиғилишида Рустам Қобилов Самарканд вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари сифатида таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 17 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 8077,26

1 ЕВРО 9960,07

1 Россия рубли 128,01 ...

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Италияда чоп этиладиган нуфузли «Corriere Della Sera» газетаси ёз фаслида саёҳатга чиқиб тавсия этиладиган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон улар орасидаги энг мақбул йўналишлар қаторидан жой олган.

Нашр тадқиқотчилари фикрича, мамлакатда ҳукм сураётган умумий вазият, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янги сайёҳлик объектлари бунёд этилаётгани, пул алмаштиришдаги мақбул қийматлар сингари омиллар ҳамда сайёҳлик соҳасидаги йирик компаниялар юритаётган нарх сиёсати халқаро сайёҳликнинг чўққисига қўтарилишга имкон беради.

Ўзбекистон ёзги таътилни ўтказиш учун Уругвай, Андаман ороллари, Замбия ва Финляндия каби энг оммабоп бешта сайёҳлик йўналиши рўйхатида киритилган.

Россиянинг 12 та йирик стадионларида дунёнинг сараланган 32 та терма жамоасининг мurosасиз учрашувлари — 2018 йилиги Жаҳон чемпионати «Uzreport tv» ва «Futbol tv» телеканаллари орқали жонли эфирда намойиш этиладиган бўлди.

Интернет нашрлари
хабарлари асосида
тайёрланди.

«Бухорода ҳеч ким ўзини бегона ҳисобламайди»

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ҳамкорлигида Тошкентда ўтказилган «Ёш ватандошлар» халқаро фестивали иштирокчилари Бухорога келди.

Фестиваль қатнашчилари орасида аждодлари тақдир тақозоси билан хорижий мамлакатларда яшаётган, шунингдек, айна пайтда ўша юртларда таҳсил олаётган ҳамда узоқ муддатга ишга кетган 70 нафар ватандошимиз бор эди.

Меҳмонларнинг Бухорога ташрифи Ёшлар марказидан бошланди.

Улар Пойи Калон мажмуи, Лаби ҳовуз ансамблига саёҳат қилди. Миллий фольклор дасталари, дорбозларнинг чиқишини томоша қилди. Сумалак ва бошқа миллий таомлар, қандолат маҳсулотлари, миллий хунарамандлик буюмлари кўргазмаси билан танишди.

— Очиғи, Бухоро ҳақида етарли тасаввурга эга эмас эдим, — дейди аждодлари Намангандан бўлган покистонлик, ҳозирда Англия университети-тетларидан бирида таҳсил олаётган қиз Фирдавс Жамол. — Уни эртақдаги шаҳар дейишлари бежиз эмас экан. Бир-бирдан мухташам, бир-биридан мафтункор обидалар бу юртининг меъморчилик санъати ўлмаслигидан гувоҳлик беради. Мен миллий кийимлардаги ёшлар, кизалоқлар даврасида роса ўйнадим. Улар билан суратга тушар эканман, кетаётган хорижлик сайёҳлар ҳам сафимизга қўшилди. Бухороликлар даврасида ҳеч ким ўзини бегона сезмас экан. Мен таътилга Покистонга борганимда, яқинларимга Ўзбекистонга албатта боришларини тавсия қиламан.

Тадбир доирасида меҳмонлар учун «Ипак йўли» маросимлар уйида концерт ва миллий либослар кўргазмасидан иборат маданий дастур намойиш этилди.

ЎЗА



